



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 20 » январь

№ ПК-19

2026–2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётгани сабабли қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг имкониятларини янада кенгайтириш, даволаш муассасаларининг қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026–2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ҳар минг нафар аҳолига донациялар сонини **10 тадан 30 тагача** ошириш;
- (б) қон маҳсулотларига эҳтиёжни **тўлиқ қоплаш** учун қон топширишлар (донациялар) сонини **1 миллионгагача** ошириш орқали тайёрланадиган қон захирасини амалдаги **150 минг литрдан 450 минг литрга** етказиш;
- (в) беғараз қон **донорлари** сонини **300 минг нафардан 900 минг нафаргача** етказиш;
- (г) “**эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш**” занжирида бизнес жараёнларни бошқариш тизимини жорий этиш;

- (д)** илғор халқаро тажрибага асосланган **стандарт операцион жараёнлар, хавфсизлик баённомалари** ҳамда **скрининг усулларини** амалиётга жорий этиш орқали қон ва унинг таркибий қисмлари **хавфсизлигини таъминлаш;**
- (ж)** қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари ходимларининг **билимларини ошириш** ва замонавий технологиялар билан ишлаш **кўникмаларини ривожлантириш;**
- (з)** **беғараз донорликни** ривожлантириш, зарур қон захирасини шакллантириш учун тизим ташкилотларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.**

II. Қон билан ишлаш хизмати тизимини такомиллаштириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тизим йўлга қўйилади:**

(а) 2026 йил 1 октябрдан бошлаб:

- (i) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга солувчи **стандарт операцион жараёнлар** ҳамда **хавфсизлик баённомалари** амалиётга жорий қилинади;
- (ii) “эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш” занжири доирасида **бизнес жараёнларини бошқариш тизими** жорий этилади. Бунда қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёжни шакллантириш, тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, етказиш ва беморга қуйиш, таҳлил ва ҳисоботларни юритиш, сифат назоратини таъминлаш ва қон маҳсулоти муомаласини мониторинг қилиш инobatга олинади;

(б) 2027 йил 1 мартдан бошлаб “Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш” ахборот тизими жорий этилади;

(в) қон билан ишлаш хизмати ҳамда даволаш-профилактика ташкилотлари ўртасида **ўзаро алоқалар** йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, 2026 йил якунига қадар:

(а) Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) доирасида қўйдагиларни назарда тутувчи “Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш” ахборот тизими ишлаб чиқилади ва синовдан ўтказилади:

(i) қон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида тизимлаштирилган маълумотларни юритиш;

(ii) қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлатиш билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш;

(iii) ушбу ахборот тизимини электрон тиббий карта, лаборатория ахборот тизимлари ва тиббиёт ташкилотлари билан интеграция қилиш;

(б) Платформага қўйдаги имкониятларни берувчи янги функциялар киритилади:

(i) Платформа орқали қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш;

(ii) шошилиш тиббий ёрдам хизматлари билан интеграция қилинган ҳолда қон ва унинг таркибий қисмларига буюртма бериш;

(iii) тиббиёт муассасаларидаги қон ва унинг таркибий қисмлари захирасини онлайн кузатиш;

(iv) туғруқ муассасаларини қон ва унинг таркибий қисмлари, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминлашни онлайн мониторинг қилиш. Бунда:

туғруқ муассасаларининг электрон ахборот тизимлари ва Платформа ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилади;

қомиладорлик даврида қон ва унинг таркибий қисмларига шошилиш зарурат туғилганда қон билан ишлаш хизматини автоматлаштирилган хабардор қилиш тизими жорий этилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларидаги барча жараёнларни, қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрини ўз ичига олган “Қон маҳсулотлари электрон ҳисобини юритиш” ахборот тизимини яратсин.
5. Белгилаб қўйилсинки, **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қон маҳсулотларини **мажбурий тартибда икки босқичли** скрининг текширувидан ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

III. Беғараз қон донорлиги ҳаракатини янада ривожлантириш

6. **2026 йил 1 январдан бошлаб** беғараз қон донорлиги ҳаракатини ривожлантириш мақсадида қуйидаги **тизим жорий этилсин**:
 - (а) ҳар ойда “Бирга ҳаётни сақлаймиз” миллий донорлик акцияси ўтказилади. Бунда мазкур акция доирасида **ҳар ойнинг бир ҳафтаси** мобайнида – қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида, **ҳар ойнинг уч ҳафтаси** мобайнида – таълим, даволаш ва бошқа ташкилотларда қон донорлиги ташкил этилади;
 - (б) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ўртасида **ҳар йили бир мартаба** донорлик кунлари ўтказилади;
 - (в) меҳнат жамоаларида **донорлик кунларини** ўтказиш йўлга қўйилади;
 - (г) умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий ҳамда олий таълим ташкилотларида **донорлик бўйича маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар** ташкил этилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда жамоат жойларида, шу жумладан, савдо шохобчалари (бозорлар, маркетлар ва бошқалар), таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларида **кўчма донорлик пунктларини** ташкил қилсин;

(б) туғруқда тиббий ёрдам кўрсатувчи ҳар бир муассасада **қон ва унинг таркибий қисмлари шошилиш захирасини** ташкил этсин ҳамда уни қон ва унинг таркибий қисмлари, жумладан, плазма ва эритроцитар масса захираси билан таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тегишли ҳудудларда беғараз қон донорлигини тарғиб қилувчи **ижтимоий ташқи реклама ва ахборот объектларининг** жойлаштирилишини таъминласин.

IV. Тадбирларни молиялаштириш

9. Белгилаб қўйилсинки:

(а) **2026 йилда** Давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун **308 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади;

(б) ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади ва нархлар ўзгаришига қараб индексация қилиб борилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Қуйидагилар:

(а) Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича **“йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ;

- (б) Республика қон қўйиш маркази ва ҳудудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини таъминлаш учун **тиббий жиҳозлар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;
- (в) 2026–2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 11.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хатлов натижасига кўра 2026–2028 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республикадаги барча туғруқ муассасаларида қонни сақлаш ва ташиш учун совитиш қурилмалари, термоконтейнерлар ва ускуналар харид қилинишини таъминласин.
- 12.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
- (а) 2026–2030 йилларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг **150 нафар** мутахассисларини нуфузли хорижий тиббиёт ташкилотлари ҳамда марказларига янги технологиялар билан ишлаш бўйича малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш чораларини кўрсин;
- (б) давлат-хусусий шериклик асосида йилига **20 тоннагача** плазмани қайта ишлаш ҳажмига эга, “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. Бунда 10 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари жалб этилиши инобатга олинсин;
- (в) тиббий жиҳоз ҳамда бошқа асбоб-ускуна ва товарлар, шу жумладан, автотранспорт воситалари харидини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин. Бунда биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини кўриб чиқсин.

13. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида қўлланиладиган тиббий жиҳоз ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятини ўргансин ва шу асосда дастур қабул қилсин.
14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда қон донорлиги ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини ўтказсин.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
16. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.
17. Қарор ижросини муҳоама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг трансформациясини мувофиқлаштириш.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини ислоҳ қилиш, шу жумладан, мазкур “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда ишчи гуруҳ таркибига республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бошқа даволаш-профилактика ташкилотлари вакиллари киритилишини назарда тутиш.	2026 йил январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “UZINFOCOM” МЧЖ, Республика қон қуйиш маркази
2.	Қон маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятидаги жараёнларни стандартлаштириш.	1. Қон билан ишлаш хизматидаги барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга солиш ҳамда қон хизмати учун стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини ишлаб чиқиш мақсадида соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Халқаро тажриба асосида қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва лаборатория текширувларини ўтказиш бўйича қон билан ишлаш хизматидаги барча техник ва тиббий жараёнларни тартибга	2026 йил январь 2026 йил май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази

		<p>солиш учун қон хизматининг стандарт операцион жараёнлар, хавфсизлик баённомаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича ходимларни ўқитиш режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш.</p> <p>4. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича 1 ҳафталик (72 соатлик) семинарлар ташкил қилиш ва барча қон хизмати ташкилотлари ходимларини ўқитиш.</p> <p>5. Қон хизмати ташкилотлари учун қўлланиладиган сарфлов воситаларини харид қилиш, қон ва қон препаратларини қайта ишлаш, лаборатория синовларини ўтказиш ва бошқа иш жараёнларига стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини жорий этиш.</p> <p>Бунда зарур моддий-техника база шакллантирилиши, шу жумладан, ўз вақтида харид қилиниши ва ўрнатилишини таъминлаш.</p>	<p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил май-август (режа-жадвал асосида)</p> <p>2026 йил октябрь</p>	<p>Республика қон қуйиш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази</p>
3.	<p>Қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёжни шакллантириш, тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, етказиш ва беморга қуйиш, таҳлил ва ҳисоботларни юритиш, сифат назоратини таъминлаш ва қон</p>	<p>1. “Эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш” занжири доирасида бизнес жараёнларни такомиллаштириш.</p> <p>2. Янгиланган бизнес-жараёнлар бўйича ходимларнинг билимларини ошириш.</p> <p>3. “Эҳтиёж – қайта ишлаш – етказиш” занжири доирасида бизнес жараёнларни</p>	<p>2026 йил январь-июль</p> <p>2026 йил август-сентябрь</p> <p>2026 йил октябрь</p>	<p>–</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази</p>

	маҳсулоти муомаласини мониторинг қилиш жараёнларини бошқариш тизимини жорий этиш.	бошқариш тизимини амалиётга жорий этиш.			
4.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларидаги иш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрини яратиш.	<p>1. Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси доирасида қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари захираси реестрига қўйиладиган техник талабларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш” электрон ахборот тизимини яратиш.</p> <p>Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси орқали қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш, эҳтиёжни шакллантириш, буюртма бериш, захирани онлайн кузатиш, қон ва унинг таркибий қисмлари реестрини шакллантириш имкониятини яратиш.</p> <p>Бунда қон билан ишлаш хизмати бўйича барча жараёнларни Республика қон қуйиш маркази томонидан мувофиқлаштириш ҳамда эҳтиёжлар асосида қон ва унинг таркибий қисмлари билан тиббиёт муассасалари ўзлуксиз таъминланишини назорат қилиш назарда тутилади.</p> <p>3. “Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш” электрон ахборот тизимида ишлаш бўйича ходимларни ўқитиш режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш.</p> <p>4. Режа-жадвал асосида ходимларни ўқитиш.</p>	2026 йил якунига қадар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “UZINFOCOM” МЧЖ, Республика қон қуйиш маркази
			2026 йил декабрь		
			2027 йил январь-февраль		

		5. “Қон маҳсулотларини электрон ҳисобга олиш ва юритиш” электрон ахборот тизимини жорий этиш.	2027 йил март		
5.	Қон донорлиги ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.	<p>1. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари билан ҳамкорликда беғараз донорлик акцияларини ўтказиш.</p> <p>2. Жамоат жойларида, шу жумладан, савдо шохобчалари (бозорлар, маркетлар ва бошқалар), таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларида кўчма донорлик пунктларини ташкил қилиш.</p> <p>3. Қон донорлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш.</p> <p>4. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг қўламли ахборот-тарғибот ишларини амалга ошириш ва ёритиб бориш.</p>	<p>2026–2030 йиллар</p> <p>2026–2030 йиллар (ҳар йили)</p>	–	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги</p>
6.	Аҳоли орасида беғараз донорлик акцияларини ташкил этиш.	<p>1. Аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, донорларга сифатли хизматлар кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш.</p> <p>2. Ҳар чоракда “Қон донорлиги ҳафталиги” миллий акциясини ўтказиш режа-жадвалини туман (шаҳар) кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаб бориш.</p> <p>3. Давлат ташкилотларида “Қон донорлиги ҳафталиги”ни ҳар ойда режа-жадвалга мувофиқ ўтказиб бориш ҳамда мазкур йўналишда нодавлат ташкилотлар билан</p>	<p>2026–2030 йиллар</p> <p>Ҳар чоракда</p> <p>2026–2030 йиллар</p>	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

		<p>ҳамкорлик қилиш.</p> <p>4. “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонига сазовор бўлган шахслар ва кўп йиллар беғараз қон топшириб келаётган донорлар билан ёшлар ва талабалар учрашувларини ташкил этиш.</p> <p>5. Жойларда ва ташкилотларда ўтказиладиган донорлик акцияларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.</p>			
7.	<p>Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳамда кўчма донорлик пунктларини ташкил қилиш орқали қон захирасини кўпайтиришга ҳисса қўшиш учун мотивацион дастурларни ташкил этиш.</p>	<p>1. Аҳоли орасида беғараз донорлик ҳамда кўчма донорлик пунктларини ташкил қилишда иштирок этган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларга “Қон хизматининг фахрий дўсти” сертификатини бериш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Қон хизматининг фахрий дўсти” сертификати берилган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлари вакилларини Бутунжаҳон донорлар куни байрамида тақдирлаш.</p>	<p>2026 йил февраль</p> <p>2026–2030 йиллар</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p>
8.	<p>Қон йиғувчи мобил гурӯҳларнинг моддий-техника базасини кучайтириш.</p>	<p>Қон йиғувчи мобил гурӯҳларга 14 та махсус жиҳозланган автотранспорт воситаларини харид қилиш.</p>	<p>2026 йил декабрь</p>	<p>Маҳаллий бюджет маблағлари 5 млрд сўм</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p>

9.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини зарур сарфлов материаллари билан таъминлаш.	<p>1. Қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган йиллик эҳтиёжни инobatга олган ҳолда, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини қуйидаги сарфлов материаллари билан доимий таъминлаш:</p> <p>а) лейкофилтрли гемоконтейнерлар: 2026 йил – 600 минг дона;</p> <p>б) ПЗР тест-реагентлари: 2026 йил – 6 000 та тўплам;</p> <p>в) ИХЛА тест-реагентлари: 2026 йил – 600 мингта таҳлил учун.</p> <p>2. Қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган йиллик эҳтиёжни инobatга олган ҳолда, қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини қуйидаги сарфлов материаллари билан доимий таъминлаш:</p> <p>а) лейкофилтрли гемоконтейнерлар: 2027 йил – 700 минг дона; 2028 йил – 800 минг дона; 2029 йил – 900 минг дона; 2030 йилдан бошлаб – 1 миллион дона;</p> <p>б) ПЗР тест-реагентлари: 2027 йил – 7 000 та тўплам; 2028 йил – 8 000 та тўплам; 2029 йил – 9 000 та тўплам; 2030 йилдан бошлаб – 10 мингта тўплам;</p> <p>в) ИХЛА тест-реагентлари: 2027 йил – 700 мингта таҳлил учун; 2028 йил – 800 мингта таҳлил учун; 2029 йил – 900 мингта таҳлил учун;</p>	2026 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари 64,8 млрд сўм	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
			2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

		<p>2030 йилдан бошлаб – 1 миллионта таҳлил учун.</p> <p>3. Гемоконтейнерларнинг хариди болалар ва катталар учун мўлжалланган ҳажмларда эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилишини таъминлаш.</p>	2026 йилдан бошлаб	Ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
10.	<p>Қон билан ишлаш хизмати</p> <p>ташкilotларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.</p>	<p>1. Қон билан ишлаш хизмати ташкilotларини 7 турдаги (вирус инактиватор, қон сепаратори, рентген нурлатгич, 2 турдаги қон учун рефрижераторли центрифуга, паст ҳароратли (-40°C) музлаткич ва совиткичлар) 146 та тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Республика қон қуйиш марказида давлат-хусусий шериклик асосида йилига 20 тоннагача плазмани қайта ишлаш ҳажмига эга, “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига жавоб берадиган қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиш.</p>	<p>2026 йил</p> <p>2027 йил</p> <p>2026 йил</p> <p>2026–2028 йиллар</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари 60 млрд сўм</p> <p>Давлат бюджети маблағлари 42 млрд сўм</p> <p>“KfW” банки (Германия) грантлари 8 млн евро</p> <p>Инвестиция маблағлари 10 млн АҚШ доллари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>
11.	<p>Қон ва унинг таркибий қисмлари логистикасини такомиллаштириш.</p>	<p>1. Амалдаги қон ва унинг таркибий қисмлари логистикаси тизимини танқидий ўрганиш. Бунда чекка ва олис ҳудудлар, ҳудудларнинг ўзига хос шароитлари инобатга олинади.</p> <p>2. Қон ва унинг таркибий қисмлари логистикаси тизимини такомиллаштириш бўйича соғлиқни сақлаш вазири буйруғини қабул қилиш.</p> <p>Бунда қон ва унинг таркибий қисмларини</p>	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель</p>	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

		ташиш учун тиббиёт ташкилотларининг транспорт воситалари билан таъминоти, қон ва унинг таркибий қисмларини белгиланган талабларга мувофиқ хавфсиз ташиш шароитларини таъминлаш инobatга олинади.			
12.	Қон донорларидан қон ва унинг таркибий қисмларининг давлат захирасини кўпайтириш.	<p>1. Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда беғараз донорликни ташкил этиш бўйича қўшма қарор қабул қилиш.</p> <p>2. Қўшма қарор доирасида Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қон йиғувчи мобил гуруҳларнинг ташрифи бўйича йиллик режа-жадвалини тасдиқлаш ва ташрифларини ташкил этиш.</p>	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил мартдан бошлаб режа-жадвал асосида</p>	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура
13.	Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш.	<p>1. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини улар томонидан тайёрладиган (йиғиладиган) қон ва қон маҳсулотлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2026 йил июль</p> <p>2026 йил октябрь</p>	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
14.	Қон билан ишлаш хизмати ходимларига моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш тизимини такомиллаштириш.	2026–2030 йилларда аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларидан келиб чиқиб, қон билан ишлаш хизмати ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва уларга	2027 йил март	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

		фаолиятининг натижадорлигига қараб (KPI) моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш.			
15.	Худудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш.	<p>1. Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қон билан ишлаш хизмати ташкилотлари фаолиятини янги қуриб битказилган бино ва иншоотларда ташкил қилиш.</p> <p>2. Қорақалпоғистон Республикаси қон қуйиш станцияси учун қўшимча бино қуриш.</p> <p>Наманган вилояти қон қуйиш станцияси учун биноларни қуриш ва реконструкция қилиш.</p>	<p>2026 йил январь</p> <p>2027 йил декабрь</p>	<p>–</p> <p>2027 йилда Давлат бюджетидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш учун ажратилган маблағлар 24,5 млрд сўм</p>	<p>Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Наманган вилояти ҳокимлиги</p>
16.	Қон билан ишлаш хизмати мутахассисларининг касбий малакасини ошириш.	<p>1. Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомаларини инobatга олган ҳолда йилига 30 тадан мутахассисларни ривожланган давлатларда малака оширишга юбориш (жами 150 нафар).</p> <p>2. Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг ходимларини 6 турдаги янги тиббий технологияларда ишлашни ўргатиш (ҳар бир ҳудуддан 6 та шифокор ва 6 та ҳамшира-лаборант, жами 90 та шифокор ва 90 та ҳамшира-лаборант).</p>	<p>2026–2030 йиллар</p> <p>2026 йил (режа-жадвал асосида)</p>	<p>Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари</p> <p>Қон билан ишлаш хизмати ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази</p>
17.	Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.	Хорижий етакчи клиникаларнинг трансфузиология йўналишида фаолият юритаётган мутахассис ва экспертлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2026–2030 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика қон қуйиш маркази

**Республика қон қуйиш маркази ва ҳудудий қон билан ишлаш хизмати ташкилотларини
таъминлаш учун тиббий жиҳозлар
РЎЙХАТИ**

T/p	Ташкилот номи	Вирус инактиватор	Қон автоматик сепаратори	Рентген нурлатгич	Қонни қайта ишлаш учун рефрижираторли центрифуга	Қонни қайта ишлаш учун рефрижираторли центрифуга (ёпиқ тизимли)	Ўта паст ҳароратли музлаткич (-40°C)	Советкич
1.	Қорақалпоғистон Республикаси қон қуйиш станцияси	1	1	-	2	1	2	2
2.	Андижон вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
3.	Бухоро вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
4.	Жиззах вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
5.	Қашқадарё вилояти қон хизмати маркази	1	1	1	2	1	2	2
6.	Навоий вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
7.	Наманган вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
8.	Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
9.	Сурхондарё вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
10.	Сирдарё вилояти қон қуйиш станцияси	1	1	1	2	1	2	2
11.	Тошкент вилояти қон қуйиш станцияси	-	-	1	-	-	2	2

12.	Фарғона вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
13.	Хоразм вилояти қон қуйиш маркази	1	1	1	2	1	2	2
14.	Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” илмий ишлаб чиқариш корхонаси	1	1	1	2	1	2	2
15.	Республика қон қуйиш маркази	-	2	-	4	2	2	2
ЖАМИ:		13	15	13	30	15	30	30

Изоҳ. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур рўйхатга ўзгартириш киритиш ҳамда эҳтиёждан келиб чиқиб, жиҳозларни бошқа қон билан ишлаш хизмати ташкилотига қайта тақсимлаш ваколоти берилади.

**2026–2030 йилларда аҳоли орасида
беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Донациялар, қон (плазма, тромбоцитлар) топширишлар сони	600 000	700 000	800 000	900 000	1 000 000
2.	Ҳар минг нафар аҳолига донациялар сони	10	15	20	25	30
3.	Беғараз қон донорлари сони	400 000	500 000	625 000	750 000	900 000
4.	Қон тайёрлашда мобил (сайёр) гуруҳларнинг улуши, фоизда	40	42	44	46	50
5.	Тайёрланган қон миқдори, литрда	250 000	300 000	350 000	400 000	450 000
6.	Альбумин, литрда	1 000	2 000	2 500	5 000	10 000
7.	Иммуноглобулинлар, дозада	2 000	3 000	4 000	6 000	12 000
8.	Гемотрансмиссив инфекциялар аниқланган қон ҳажмининг тайёрланган қон ҳажмига нисбати, фоизда	5	4,5	4,0	3,9	3,8
9.	Стандарт операцион жараёнлар ва хавфсизлик баённомалари бўйича қон хизмати ташкилотлари ходимларини ўқитиш, фоизда	100	-	-	-	-

10.	Қон ташкilotлари ходимларини ривожланган давлатларда малакасини ошириш, <i>сони</i>	30	30	30	30	30
------------	---	----	----	----	----	----

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчалар**

- 1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4592-сон қарорига 1-илованинг 15 ва 17-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” (“Почетный донор Республики Узбекистан”) кўкрак нишони тўғрисида”ги 202-сон қарорида:
 - (а)** номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;
 - (б)** 1, 2 ва 3-бандлардаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;
 - (в)** 1-иловада:

номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банд, 2-банднинг биринчи хатбошиси, 3-банд, 3¹-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 4 ва 5-бандлардаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин;
 - (г)** 2-илованинг номидаги “(“Почетный донор Республики Узбекистан”)” сўзлари чиқариб ташлансин.
- 3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарори билан тасдиқланган Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида:
 - (а)** қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, донорларга сифатли хизматлар кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрадилар”;

(б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 октябрдаги 619-сон қарори билан тасдиқланган Касалликларни амбулатор шароитда даволашда дори воситалари харажатларини қоплаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Реимбурсация дастурининг бюджети Жамғармадан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига ажратилган маблағларнинг 10 фоизигача миқдорида белгиланади”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

(а) иккинчи хатбошида:

(i) “ва ҳудудий даражаларда” сўзлари “даражасида” сўзи билан ҳамда “2026 йил 1 январдан” сўзлари “2026 йил 1 июлдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “бошлаб” сўзидан кейин “давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ҳудудий даражада – имтиёзли беморларга, 2026 йил 1 июлдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–311-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган аҳоли тоифаларига”;

(в) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“республика даражасида — имтиёзли беморларга, 2027 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–311-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган аҳоли тоифаларига”.

